# ФариштаЛарни мафтун этган дуо




09:00 / 17.01.2023    3617

ربنا ولك الحمد حمدا كثيرا طيبا مباركا فيه

Роббана ва лакал ҳамду ҳамдан касийрон тойийбан мубарокан фийҳи.
Маъноси: «Эй Раббимиз! Сенга кўп, пок ва муборак ҳамду сано бўлсин».
Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Рифоъа ибн Рофиъ айтади:
«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларида намоз ўқиётган эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак бошларини рукудан кўтариб, «Самиаллоҳу лиман ҳамидаҳ», деганларида жамоатдан бир киши «Раббана ва лакал ҳамду ҳамдан касиран тойийбан муборакан фийҳи», деди.
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни тугатгач: «Гапирган ким?» дедилар. Ўша киши: «Ё Расулуллоҳ! Мен ўқидим», деди. Буни эшитган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Валлоҳи, мен ўттиз

нечта фариштанинг бу сўзни эшитиб, ким олдин ёзиш учун шошиб келаётганини кўрдим», дедилар.

«Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак 101 дуолари» китобидан